

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

“ФАРМАЦИЯДА ТАЪЛИМ, ФАН
ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН
МАТЕРИАЛЛАРИ

МАТЕРИАЛЫ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ

“АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ
ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ
И ПРОИЗВОДСТВА В ФАРМАЦИИ”

Тошкент-2009

Таҳрир ҳайъати:

Раис: Юнусхўжаев АН.

Аъзолар: Шабилотов А.А.
Аминов С.Н.
Расулова С.А.
Файзуллаева Н.С.

Ижтимоий ҳимоя – Ўзбекистон републикаси ички сиёсатининг негизи

Н. Салимсақова, Р.М. Назарова

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

Инсоният тарихида давлатлар, жамиятлар ривожидан инсон омили маълум ўрни тутганлиги бизга маълум. Айни пайтда, кўпинча давлатлар, жамиятларни инсонга нисбатан муносабатлари, айниқса, унга бўлган ғамхўрликлари, уларнинг ижтимоий ҳимояси борасида қабул қилинган қонун қоидалари қоғозда қолиб кетиб, амалиётда эътиборсизлик ҳукмрон бўлганига ҳам тарих гувоҳдир. Мутақиллик туфайли мамлакатимиз олдида ниҳоятда мураккаб, айни пайтда шарафли мақсад қўйилди. Бу – мамлакатимизни бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий давлат, демократик, инсонпарварлик, адолатли, дунёвий ва очиқ жамият қуришидан иборатдир. Бундай жамиятнинг марказида инсон, унинг манфаати, фаровонлиги, бахт – саодат турганлиги табиий.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиздаги ижтимоий ҳолат дунёдаги бошқа давлатлардан, ҳатто Марказий Осиёдаги қўшниларимиз бўлган мамлакатлардан ҳам тубдан фарқ қилади. Масалан, Ўзбекистон аҳоли сони ҳозирги кунда 27.млн.дан зиёдроқни ташкил этади. Айниқса, аҳоли ижтимоий таркиби ва ёшига оид тафовути диққатга сазовор. Ўзбекистон аҳолисининг 40,8 % ни 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар, 15 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар эса 30 % га яқинини ташкил этади. Шунини таъкидлаш лозимки, Республикада ҳозирги пайтда 3 млн. дан ортиқ нафақахўр бўлиб, аҳолининг 10 – 12 % ни ташкил этади. Ундан ташқари кам таъминланган оилалар, турли сабабларга ва болалиқдан ногиронлар каби бир қанча ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли табақалари бор. Бу ҳолат ижтимоий ҳимоя сиёсатини аниқ ва жиддий ташкил этишни тақозо этади.

Бешафқат бозор тизимида корхоналарни тўхтаб қолиши, ишсизлик рақобат аҳолини мунтазам ҳимоя қилиш заруриятини келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳар йили бюджет соҳалари ходимлари маошларини, пенсиялари, стипендиялар, нафақалар миқдорини маълум миқдорда ошириб борилмоқда.

Ижтимоий ҳимоянинг яна бир кўриниши қариялар ва турли даражадаги ногиронлар, болалиқдан ногиронлар, меҳнат ва уруш фахрийларига соғлиқларини тиклаш ва даволаниш учун даволаш муассасаларига турли сиҳатгоҳларга текин йўлланмалар бериш йўлга қўйилган.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, мамлакатимиздаги ижтимоий - иқтисодий вазиятни ўзига хослигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ички сиёсатини негизини ташкил этади.